Олий суд Раёсатининг
2026 йил 21 августдаги
РС-30-26-сонли қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2026 йилнинг биринчи ярмида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида 2026 йилнинг биринчи ярмида тафтиш инстанциясида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Шу даврда судлов ҳайъатига 3 152 та тафтиш тартибидаги шикоят (протест) келиб тушган, шундан 480 таси қайтарилган, 160 тасини иш юритишга қабул қилиш ва 1 157 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 249 таси тафтиш инстанциясида кўриб чиқилган.

Кўрилган ишлар сони ўтган йилга нисбатан 79 тага ёки 32 фоизга кўпайган *(2025 йилнинг биринчи ярмида 170 та кўрилган)*.

Олий суд тафтиш инстанциясида кўрилган фуқаролик ишлари ҳудудлар кесимида: *Тошкент шаҳрида 83 та, Қашқадарё 26 та, Тошкент вилоятида 25 та, Самарқандда 24 та, Фарғонада 22 та, Наманганда 12 та, Сурхондарёда 11 та, Қорақалпоғистон Республикасида 10 та, Бухоро ва Хоразмда 9 тадан, Андижон, Навоий ва Сирдарёда 5 тадан ҳамда Жиззахда 3 тани ташкил қилган.*



Кўриб тамомланган 249 та фуқаролик ишларининг 95 таси (38,1 фоизи) бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 37 таси (14,8 фоизи) бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, 109 таси (43,7 фоизи) бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 7 та (2,8 фоиз) тафтиш шикояти иш юритишдан тугатилган ҳамда 1 та (0,4 фоиз) тафтиш шикояти кўрмасдан қолдирилган.

Суд қарорлари бекор қилинган 109 та ишларнинг 74 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 25 та суд ҳужжатлари янгидан кўриш учун қуйи инстанция судлари (12 таси апелляция, 4 таси кассация инстанциялари)га юборилган, 2 та даъво аризалари кўрмасдан қолдирилган, 5 та иш бўйича иш юритиш тугатилган, 2 та фуқаролик иши бўйича юқори инстанция ажримлари бекор қилиниб, биринчи инстанция суд ҳужжатлари ўз кучида қолдирилган.



Суд қарорлари бекор қилинган ва ўзгартирилган ишлар ҳудудлар кесимида Тошкент шаҳрида 47 та, Қашқадарёда 19 та, Тошкент вилоятида 16 та, Фарғонада 15 та, Самарқандда 13 та, Наманган, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 6 тадан, Бухорода 5 та, Навоийда 3 та, Андижон ва Сирдарёда 2 тадан ишларни ташкил этган.

Суд қарорлари ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига Ўзбекистон Республикасининг Ер, Уй-жой, Меҳнат, Фуқаролик ва Фуқаролик процессуал кодексларида белгиланган нормаларнинг нотўғри талқин қилинганлиги ва (ёки) нотўғри қўлланилганлиги сабаб бўлган.

Процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

Вакилга берилган ишончномада махсус ваколат назарда тутилмаган бўлса, унинг тафтиш тартибидаги шикоятдан воз кечиши қабул қилинмайди ва иш юритишни тугатиш учун асос бўлмайди.

Миробод туман прокурори даъвогар М. манфаатида жавобгарлар “Elektron onlayn-auksionlarni tashkil etish” АЖ, Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармасига нисбатан чегирма пулларини ундириш ҳақида даъво билан мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2025 йил 28 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Мазкур қарор кассация инстанцияси судида ўзгаришсиз қолдирилган.

Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2025 йил 14 ноябрдаги ажрими билан даъвогарнинг вакили томонидан берилган тафтиш тартибидаги шикоятдан воз кечиши қабул қилиниб, иш юритиш тугатилган.

Иш ҳужжатларига кўра, даъвогарнинг вакили (адвокат)га берилган нотариал тасдиқланган ишончномада тафтиш тартибидаги шикоятдан воз кечиш бўйича махсус ваколат назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 69-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, шартнома бўйича вакиллик қилувчининг арз қилинган талаблардан тўлиқ ёки қисман воз кечиш ваколати ҳар бир алоҳида ҳолда ваколат берувчи томонидан берилган ишончномада махсус кўрсатилган бўлиши керак.

Шартнома бўйича вакилнинг махсус ваколатлари ишончномада алоҳида кўрсатилмаганда, бундай вакил шикоятдан воз кечишга ваколатли бўлмайди.

Шу асосда Олий суд Тошкент шаҳар суди ФИБ судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг ажримини бекор қилиб, даъвогарнинг тафтиш тартибидаги шикоятини кўриб чиқиш учун ишни тафтиш инстанциясига юборган.

2-1002-2506/15450-сонли иш

Даъво предмети ва асоси аниқлаштирилмасдан, ишда иштирок этиши шарт бўлган шахслар жалб этилмасдан иш мазмунан кўрилганида суд ҳужжатлари бекор қилиниши лозим.

Даъвогар С. Қумқўрғон туманида жойлашган хонадон бўйича 2019 йил 24 июлда нотариал тартибда расмийлаштирилган олди-сотди шартномасини дастлаб ҳақиқий эмас деб топиш, кейинчалик эса шартномани бекор қилиш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судининг 2024 йил 16 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, етарли асослар мавжуд эмаслиги боис даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Сурхондарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ушбу хулосага қўшилмай, хусусийлаштирилган уй умумий мулк ҳисобланиши ва уни сотишда бошқа умумий мулк иштирокчиларининг розилиги олинмаганлигини асос қилиб, 2024 йил 24 сентябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарорини бекор қилган ҳамда даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарорини қабул қилган.

Мазкур ажрим Сурхондарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 27 ноябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларига кўра даъвогар дастлаб шартномани ҳақиқий эмас деб топиш, сўнгра шартномани бекор қилиш ҳақида талаблар тақдим қилиб, кейинчалик унинг вакили яна аввалги ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талабни илгари суриши ҳақида ариза берган.

Шунингдек, даъвогар вакили суд музокарасида шартномани бекор қилиш ҳақидаги талабни қаноатлантиришни сўраган.

Суд даъвогарнинг шахсан иштирокини таъминламаган, унинг даъво талаби ва асосларига ойдинлик киритмасдан ишни мазмунан ҳал қилган.

Даъво аризада жавобгар сифатида кўрсатилган (фаолияти тугатилган) Қумқўрғон туман 3-сон давлат нотариал идорасининг ҳуқуқий ворисини аниқлаш ва судга чақириш чоралари кўрилмасдан, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахлдор масала уларнинг иштирокисиз ҳал қилинган.

Олий суд ушбу ҳолатда ФПКнинг 43, 44 ва 156-моддалари талаблари бузилганлиги сабабли апелляция ва тафтиш инстанцияси суд ҳужжатларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юбориш ҳақидаги хулосага келган.

2-1904-2401/5532-сонли иш

Моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

Меҳнат низолари

Меҳнат дафтарчасини иш берувчи томонидан ўз вақтида топширмаслик ходим фойдасига мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ундирилишига асос бўлади.

Даъвогар Ф. билан меҳнат шартномаси 2024 йил 2 апрелда ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар муносабати билан бекор қилинган ҳамда у шу куни буйруқ билан таништирилган.

Давлат меҳнат инспекцияси давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори Ф. манфаатида “Turk Havo Yollari” (Turkish Airlines) авиакомпаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига нисбатан ишга тиклаш, мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи, маънавий зарар ҳамда меҳнат дафтарчаси кечиктирилганлиги учун ўртача иш ҳақини ундириш ҳақида даъво билан мурожаат қилган.

ФИБ Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2024 йил 17 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Тошкент шаҳар суди ФИБ судлов ҳайъатининг кассация ва тафтиш инстанциялари мазкур қарорни ўзгаришсиз қолдирган.

Олий суд томонидан давлат меҳнат инспекцияси судга уч ойлик даъво муддати ўтгач мурожаат қилганлиги сабабли ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги талабларни рад этиш тўғрисидаги қуйи судларнинг хулосаси тўғри деб топилган.

Бироқ, меҳнат дафтарчасини ўз вақтида бермаслик билан боғлиқ талаб юзасидан Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати келишмаган.

Аниқланишича, даъвогарнинг меҳнат дафтарчаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Дипломатик корпусга хизмат кўрсатиш бюросида сақланган бўлиб, иш берувчи уни расмийлаштириш учун бир неча ой давомида Бюро билан ёзишмалар олиб борган.

Натижада меҳнат шартномаси 2024 йил 2 апрелда бекор қилинган бўлса-да, меҳнат дафтарчаси даъвогарга фақат 2024 йил 9 октябрда топширилган.

Судлов ҳайъати Меҳнат кодексининг 171 ва 320-моддалари талабларидан келиб чиқиб, меҳнат дафтарчасини ходимга ўз вақтида топшириш мажбурияти иш берувчи зиммасида эканлиги, унинг кечиктирилиши натижасида ходим меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум бўлган тақдирда эса, иш берувчи ўртача иш ҳақини қоплаши шарт деган хулосага келган.

Даъвогар меҳнат дафтарчасини олиш мақсадида давлат меҳнат инспекцияси, иш берувчи ва Дипломатик корпусга хизмат кўрсатиш бюросига

бир неча бор мурожаат қилганлиги сабабли мазкур талаб бўйича судга мурожаат қилиш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган.

Шу асосда Олий суд қуйи судлар қарорларининг меҳнат дафтарчасини кечиктирганлик учун иш ҳақи ундириш ҳақидаги даъво талабини рад этишга оид қисмини бекор қилиб, жавобгардан даъвогарнинг фойдасига 349.545.172 сўм мажбурий прогул вақти учун иш ҳақини ундириш ҳақида янги қарор қабул қилган.

2-1001-2408/51598-сонли иш

Хизмат текшируви белгиланган тартиб бузилган ҳолда ўтказилганлиги ва хизматдан бўшатишнинг ҳуқуқий асослари етарлича асослантирилмаганлиги хизматдан бўшатиш ҳақидаги буйруқни ғайриқонуний деб топиш учун асос бўлади.

Даъвогар О. ички ишлар органлари тизимида ишлаб келган. Унга нисбатан хизмат текшируви ўтказилиб, у раҳбар ходимнинг қонуний талабларини бажармаганлиги, ҳамкасбига қўпол муносабатда бўлганлиги, Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизомига оид қоидаларни бузганлиги ҳақида хулоса берилган.

Шу хулоса асосида вилояти ИИБ бошлиғининг 2023 йил 29 мартдаги 23-сонли буйруғи билан даъвогар эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган.

Даъвогар О. хизмат текшируви хулосасининг ўзига тегишли қисмини қонунга хилоф деб топиш, ушбу хулоса асосида қабул қилинган 2023 йил 29 мартдаги 23-сонли буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи, ҳар чоракда тўланадиган рағбатлантириш тўловлари ҳамда маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилган.

Даъвогар ўз талабларини хизмат текшируви қонун талаблари бузилган ҳолда ўтказилганлиги, хизмат текшируви хулосасида ўзининг қайси хатти-ҳаракати хизматдан бўшатиш учун қонунчиликда назарда тутилган асосларга тўғри келиши кўрсатилмаганлиги, хизматдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқда ҳам айнан қайси ҳуқуқий нормага асосан эгаллаб турган лавозимидан озод қилинганлиги белгиланмаганини кўрсатган.

Фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг 2023 йил 15 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган, хизмат текшируви хулосасини ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги талаб эса иш юритишдан тугатилган.

Ҳал қилув қарори апелляция ва тафтиш инстанцияларида ўзгаришсиз қолдирилган.

Бироқ, суд ҳужжатлари устидан келтирилган тафтиш шикояти Олий судда текширилганида хизмат текшируви ички ишлар органларида хизмат текширувини ўтказиш тартибини белгиловчи Йўриқнома талаблари бузилган

ҳолда амалга оширилгани, хизмат текширувини ўтказиш бўйича ваколатли шахс белгиланмагани, текширув қонунчиликда назарда тутилган муддатдан ортиқ давом этган бўлса-да, уни узайтириш ҳақида тегишли қарор қабул қилинмагани ҳамда текширув режаси раҳбар томонидан тасдиқланмагани аниқланган.

Хизмат текшируви хулосаси ва хизматдан бўшатиш ҳақидаги буйруқда даъвогарнинг қайси ҳаракати ички ишлар органларида хизматдан бўшатиш учун асос бўладиган интизомий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳолангани, у қайси ҳуқуқий норма талабини бузганлиги ва мазкур бузилиш нега энг оғир интизомий жазо — хизматдан бўшатишни қўллаш учун асос ҳисобланиши етарлича асослантирилмагани қайд этилган.

Шу сабабли Олий суд судлов ҳайъати хизмат текшируви хулосаси ва унинг асосида қабул қилинган хизматдан бўшатиш ҳақидаги буйруқни даъвогарга оид қисмида ғайриқонуний деб топиб, қуйи инстанция суд ҳужжатларини бекор қилган ҳамда даъвогарни аввалги лавозимига тиклаш, унинг фойдасига мажбурий прогул вақти учун 529.442.024 сўм иш ҳақи ва 16.500.000 сўм маънавий зарар ундириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилган.

2-1104-2302/4421-сонли иш

Мулкий низолар

Уйни натура шаклида бўлиш имконияти мавжуд эмаслиги улушли мулк иштирокчисини уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилашни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Бундай низоларда уйдан амалда шаклланган фойдаланиш тартиби, мулкдорларнинг эҳтиёжи ва биргаликда фойдаланишнинг реал имконияти баҳоланиши лозим.

Даъвогар А. низоли уйнинг 6/9-қисмига улушли мулкдор ҳисобланади.

Муқаддам низоли уйдаги мерос улушларига оид низо кўрилганида суд қурилиш-техник экспертизаси ўтказилиб, уйни улушларга мутаносиб равишда натура шаклида бўлиш шаҳарсозлик нормалари талабларига зид бўлганлиги сабабли уйни бўлиш имконияти мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса берилган.

Даъвогар А. жавобгарлар Е. ва бошқаларга нисбатан умумий улушли мулк бўлган уй-жойга оила аъзолари – турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан биргаликда киритиш ҳамда ундан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги даъво билан мурожаат қилган. Бироқ, даъвогарнинг оила аъзолари вояга етган бўлса-да, даъво аризаси улар томонидан имзоланмаган.

Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2024 йил 18 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Уйда яшаётган шахсларнинг ундан фойдаланиш тартиби мерос қолдирувчи ҳаёт бўлган даврда ўзаро келишув асосда белгиланган.

Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ҳал қилув қарорини ўзгартириб, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмидан даъвогарнинг оила аъзоларини уйга киритиш ҳақидаги хулосани чиқариб, турар жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги даъво талабини рад этган.

Мазкур ажрим шу суднинг тафтиш инстанцияси томонидан ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасига асосан, мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулк ҳуқуқининг шундай тавсифи Фуқаролик кодексининг 164-моддасида ҳам келтирилган.

Ушбу Кодекснинг 231-моддасига асосан мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилиши мумкин.

Олий суд томонидан низоли уй жойига чиқиб кўздан кечирилганда, мулкдорлар ўртасида уйдан алоҳида кириш йўллари ва деворлар билан ажратилган ҳолда амалда шаклланган фойдаланиш тартиби мавжудлиги ҳамда уни ҳуқуқий жиҳатдан белгилаш имконияти борлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 14-сонли қарорининг 19-бандига мувофиқ, умумий улушли мулк бўлган уйдан улушни асл ҳолида ажратиб бериш (уйни бўлиш) мумкин эмаслиги умумий улушли мулк иштирокчисининг уйдан фойдаланиш тартибини белгилаб бериш ҳақидаги талаб билан арз қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмаслиги ҳақида судларга тушунтириш берилган.

Бундай талабни ҳал этаётганда судлар, уйдан фойдаланишнинг амалда шаклланган ва умумий мулкдаги улушларга батамом мутаносиб келмаслиги ҳам мумкин бўлган тартибини, мулкдорлардан ҳар бирининг уйдан фойдаланишга бўлган эҳтиёжини ҳамда биргаликда фойдаланишнинг реал имкониятини инобатга олишлари зарур.

Шунга кўра, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати қуйи судларнинг хулосасини қисман қонун талабларига зид деб топган.

Уйни натура шаклида бўлиш имконияти мавжуд эмаслиги улушли мулк иштирокчисини уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилашни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Бундай низоларда уйдан амалда шаклланган фойдаланиш тартиби, мулкдорларнинг эҳтиёжи ва биргаликда фойдаланишнинг реал имконияти баҳоланиши лозим.

Шу асосда Олий суд апелляция ва тафтиш инстанциялари суд ҳужжатларининг турар жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги талабни рад этишга оид қисмини бекор қилиб, даъвогар ҳамда

жавобгарларнинг низоли уйдан амалда шаклланган тартибда фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақида янги қарор қабул қилган.

2-1003-2405/25379-сонли иш

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга доир низолар

Тарафлар ўртасида амалда олди-сотди муносабатлари мавжуд бўлган ҳолда низони ижара муносабатлари сифатида баҳолаш ҳамда бинода амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишлари харажатларини рад этиш қонун талабларига зид деб топилган.

Тарафлар ўртасида фотосалон биносини 100 минг АҚШ долларига бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиш юзасидан келишув мавжуд бўлиб, даъвогар жавобгарга 70 минг АҚШ долларини тилхатлар асосида тўлаган ҳамда жавобгарнинг розилиги билан бинода капитал қурилиш ва реконструкция ишларини амалга оширган.

Кейинчалик битим якунига етмаганлиги сабабли низо келиб чиққан.

Даъвогар Б. жавобгар Д.га нисбатан олди-сотди битимини ҳақиқий деб топиш ҳақида даъво билан мурожаат қилган.

Суд жараёнида даъвогар даъво талабларини ўзгартириб, низоли бинода амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 954.263.114 сўм моддий зарар ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2024 йил 16 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирган.

Самарқанд вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 5 декабрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Ушбу ажрим Самарқанд вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси томонидан ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси суди низони ижара муносабатлари сифатида баҳолаб, даъвогар мулкдор ва унинг турмуш ўртоғининг ёзма розилигисиз қурилиш ишларини амалга оширган деб ҳисоблаган.

Бироқ, жиноят иши материаллари, тилхатлар ҳамда тарафларнинг тушунтиришларига баҳо берилганда, тарафлар ўртасида олди-сотди тўғрисида келишув бўлганлиги, даъвогар мазкур бинога келгусида мулкдор бўлишига ишониб, қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширганлиги тасдиқланган.

Фуқаролик кодексининг 14 ва 230-моддаларига мувофиқ, инсофли эгалловчи мулкни яхшилаш учун қилинган зарур харажатларни, агар уларни ажратиб олиш имкони бўлмаса ва мазкур харажатлар мулк қийматини оширган бўлса, мулкдордан ундиришни талаб қилишга ҳақли.

Низоли объект жойида кўздан кечирилиб, баҳоловчи ташкилотнинг қайта ҳисоб-китоби олинганида, ҳақиқатда мулк қийматини оширган архитектура, реконструкция ҳамда иситиш-вентиляция ишлари учун 367.881.928 сўмлик харажатлар тасдиқланган.

Шу асосда Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси кассация ва тафтиш инстанцияси судлари ажримларини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартирган ҳамда жавобгардан даъвогар фойдасига 367.881.928 сўм моддий зарар ундириш ҳақида қарор қабул қилган.

2-1401-2303/16686-сонли иш

Суғурта полисига киритилмаган шахс транспорт воситасидан унинг эгасининг розилиги билан фойдаланганида, суғурта товони транспорт воситаси эгаси ва ҳайдовчидан солидар ва регресс тартибда ундирилади.

Жавобгар Ф.га тегишли бўлган **“**KIA K5**”** автомашинаси учун ҳайдовчилар сони чекланган ҳолда мажбурий суғурта полиси расмийлаштирилган, унда Ш. транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга шахс сифатида кўрсатилмаган.

Бироқ, Ш. мазкур автомашинани бошқариб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган ва жабрланувчига етказилган 65.624.941,06 сўм зарар суғурта компанияси томонидан қопланган.

Суғурта компанияси жавобгар Ф. ва Ш.ларга нисбатан суғурта товонини регресс тартибида ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Сариосиё туманлараро судининг 2025 йил 23 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, суғурта товони ҳамда суд харажатлари фақат жавобгар Ш.дан ундирилган, мазкур талабларнинг транспорт воситаси эгаси Ф.га нисбатан қисми қаноатлантиришдан рад этилган.

Сурхондарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 20 ноябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Шу суд тафтиш инстанциясининг 2026 йил 27 январдаги ажрими билан ҳал қилув қароридан ундирилган фоиз қарздорлиги ва давлат божига оид қисмлари чиқарилган ҳолда суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Қуйи судлар транспорт воситаси чекланган суғурта полисига киритилмаган шахс томонидан бошқарилганлигини асос қилиб, зарарни регресс тартибида фақат ҳайдовчи Ш.дан ундириш лозим деган хулосага келган.

Ишни тафтиш тартибида кўриш жараёнида транспорт воситаси эгаси Ф. автомашинани ўғли Ш.га ўзи берганлигини, у мазкур автомашинадан унинг розилиги билан фойдаланганлигини тасдиқлаган.

Жавобгар Ш. ҳам ушбу ҳолатни тасдиқлаган.

Шу сабабли, транспорт воситаси эгасининг тасарруфидан автомашина ғайриқонуний равишда чиқиб кетган, деган хулосага келиш учун асослар мавжуд бўлмаган.

Олий суд судлов ҳайъати транспорт воситаси эгасининг розилиги билан бошқарилган автомашина томонидан етказилган зарар учун ошиқча хавф манбаи эгаси ҳам жавобгар ҳисобланиши, мазкур ҳолатда суғурталовчи томонидан тўланган суғурта товонини регресс тартибида ҳайдовчи ва транспорт воситаси эгасидан солидар тартибда ундириш лозим деган хулосага келган.

Шу муносабат билан, суд ҳужжатларининг жавобгар Ф.га нисбатан даъвони рад қилиш қисми бекор қилиниб, ушбу қисм бўйича янги ҳал қилув қарори қабул қилиниб, 65.624.941 сўм суғурта товони, давлат божи ва суд харажатлари жавобгарлар Ш. ва Ф.дан солидар тартибда ундирилган.

2-1903-2502/9472-сонли иш

Уй-жой низолари

Фарзандликка олинган шахс билан оилавий муносабатлар сақланиб турган ва турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд бўлган ҳолда фарзандликка олувчини уйдан кўчириш ҳақидаги даъво талаби асосли бўлмайди.

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2025 йил 24 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар А.нинг жавобгар Л.ни Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги турар жойдан мажбурий тартибда кўчириш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад қилинган.

Тошкент шаҳар суди ФИБ судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2026 йил 27 январдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, жавобгарни турар жойдан мажбурий тартибда кўчириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган. Мазкур қарор тафтиш инстанцияси томонидан ҳам ўзгаришсиз қолдирилган.

Апелляция ва тафтиш инстанцияси судлари жавобгарнинг уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи мавжудлигига оид муҳим далилларни эътиборсиз қолдирган ҳолда уни уй-жойдан кўчириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Аниқланишича, низоли уй-жой даъвогар А.нинг мулки ҳисобланган.

Жавобгар Л. 1991 йилда даъвогарни фарзандликка олган бўлиб, фарзандликка олиш бекор қилинмаган.

Даъвогар ушбу ҳолатни инкор этмасдан, улар ўртасида ушбу низога қадар оилавий муносабатлар яхши бўлганлиги, уй-жойни инвесторга сотиш мақсадида судга ушбу мазмунда даъво қўзғатганлигини маълум қилган.

“Адолат” ахборот тизими орқали олинган маълумотларга кўра, Л. низоли хонадонда доимий рўйхатда турган.

Шу муносабат билан, Олий суд судлов ҳайъати апелляция ва тафтиш инстанцияси судларининг ажримларини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг даъвони рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг асосини ўзгартирган ҳолда ўз кучида қолдирган.

2-1002-2512/70756-сонли иш

Ерга оид низолар

Ер участкасига бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказилмаган шахснинг шу ердан фойдаланишга оид тўсқинликларни бартараф этиш ҳақидаги талаблари қаноатлантирилиши мумкин эмас.

Даъвогар Т.га Муборак тумани ҳокимининг 2011 йил 21 июндаги қарори билан савдо дўкони қуриш учун ер майдони ажратилган.

Даъвогарнинг ер участкасига нисбатан кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилмаган, ер чегаралари белгиланмаган ҳамда ерга бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилмаган.

Даъвогар Т. судга даъво аризасини бериб, жавобгар Р. зиммасига ушбу ер майдонида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши ва савдо дўкони қуришига тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини юклашни, маънавий зарар ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Косон туманлараро судининг 2024 йил 20 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, жавобгарга даъвогарнинг тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилмаслик мажбурияти юкланган ва жавобгардан маънавий зарар ундирилган.

Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 22 октябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, маънавий зарар миқдори камайтирилган.

Шу суд тафтиш инстанциясининг 2024 йил 6 декабрдаги ажримига асосан апелляция инстанциясининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишни Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида тафтиш инстанциясида кўришда жавобгар Р.га тегишли турар жой ва ер участкаси қонунчилик талаблари асосида давлат рўйхатидан ўтказилгани, унинг

ер участкаси даъвогарга ҳоким қарори билан ажратилган ер майдони билан устма-уст тушмаслиги мутахассисларнинг хулосаси асосида аниқланган.

Қуйи инстанция судлари ишнинг ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳолатларини тўлиқ аниқламаган ва моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаган.

Ер кодексининг 31-моддасига кўра, ер участкасига бўлган ҳуқуқ ер чегаралари белгиланиб, план (чизма) ва тавсифлари расмийлаштирилиб, давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Ер участкасига нисбатан ҳуқуқ вужудга келмаган шахс шу ҳуқуқи бузилганини важ қилиб бошқа шахсларга нисбатан тўсқинликларни бартараф этиш ҳақида талаб қўйишга ҳақли эмас.

Фуқаролик кодексининг 1021-моддасига мувофиқ маънавий зарарни қоплаш учун зарар етказувчининг ғайриқонуний ҳаракати, айби, зарар ва улар ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги исботланиши лозим.

Қолаверса, даъвогар ўз ҳуқуқи жавобгарнинг ғайриқонуний ҳаракати натижасида бузилганлиги ва унга маънавий зарар етказилганлигини ишончга сазовор далиллар билан исботлай олмаган.

Шунга кўра, Олий суд қуйи инстанция суд қарорларини бекор қилиб, даъвогарнинг тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини юклаш ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво талабларини рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилган.

2-1804-2401/3596-сонли иш

Фуқаролик ишлари бўйича
судлов ҳайъати